

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎРТА МАХСУС, КАСБ - ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИ

фанидан

**академик лицей ва касб- ҳунар коллежлари учун
ўқув дастури**

Тошкент-2010

Ушбу ўқув дастури «Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ» билим соҳаси бўйича ўқув-методик шўъбанинг 08 апрел 2010 йилдаги 09-сонли йиғилиши ҳамда Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2010 йил 5 майдаги 1-сонли йиғилиш баённомасига мувофиқ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 17 июндаги 234-сонли буйруғи билан тасдиқланди ва ўқув жараёнига жорий этилди.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг 2010 йил 1 июлдаги 6/1 ва 4/2-сонли қўшма Ҳайъат мажлиси қарори билан тасдиқланган ва академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун иқтисодиёт асослари фанидан узвийлашган ўқув дастури сифатида узлуксиз таълим тизимига жорий этиш учун тавсия этилган.

Тузувчилар:

К.З. Хомитов - Тошкент Банк коллежи «Банк иши» кафедраси
мудири, и.ф.н.

Л.К. Кўпайсинова - Тошкент Молия ва иқтисодиёт коллежи «Молия»
кафедраси мудири

Такризчи:

У.И. Иноятов - Тошкент Молия ва иқтисодиёт коллежи директори п.ф.д.,
проф.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Кириш

Республикамизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги туб ислохотлар мамлакатимиз тараққиётининг таълим олиш ҳисобланади «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури тўғрисида»ги қонун асосида лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ташкил этилганлиги замон талабларига жавоб бера оладиган ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратишни талаб қилади.

Дастурни тузишдан мақсад ўқувчиларнинг иқтисодий фикрлай олиш қобилиятини шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

Иқтисодиёт асослари фанининг мавзуси, вазифалари иқтисодий ҳодисаларни билиш жараёни, унда қўлланиладиган услублар, иқтисодиёт асослари фанининг вазифалари, моҳиятини очиб беради.

Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёни ва унинг асосий уч омиллари, иқтисодий мазмуни, иқтисодий тизимининг элементлари ва турлари, унинг негизини ташкил этувчи муносабатлар, уларнинг шакл ва турлари, товар-пул муносабатлари, мулкчилик муносабатлари ва хусусийлаштириш ва бошқаларни кўриб чиқилади.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон ҳўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларнинг яна бир хусусиятли жиҳати -жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиш ҳисобланади. Сўнгги пайтларда дунёнинг қатор мамлакатлари бошидан кечираётган тармоқлараро ва тармоқлар ичида содир бўлаётган инқирозлар ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади. Табиийки, бундай инқирозлар таъсири жаҳон ҳамжамиятининг аъзоси сифатида республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ҳам четлаб ўтмайди.

Президент Ислом Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ва “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” маърузаларида мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида 2009 йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлигини қайд этиш аҳамиятлидир.

Мамлакат иқтисодиётини ривожланишида ижобий натижаларга эришиш, унинг самарадорлигини ошириш бир қатор омилларга, хусусан: мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш; асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш; корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқариш фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил этилишига бевосита боғлиқ.

Шунингдек, мазкур дастурда киритилган мавзуларда тадбиркорлик, хусусийлаштириш, уни ташкил этиш шакллари, эҳтиёжни қондириш воситаси ва уни қондириш учун ноз-неъматларни ишлаб чиқариш, бунинг учун иқтисодий ўсишнинг зарурлиги ва мақсади, омиллари, моделлари ва шу каби иқтисодий долзарб масалалар ҳар томонлама ўрганилади. Дастурда мавзулар бўйича адабиётлар рўйхати тавсия этилган бўлиб, ушбу дастур 9-синф базаси ҳажмида таълим олаётган барча мутахассислик талабаларини ўқитиш жараёнида фойдаланишга мўлжалланган.

2. АСОСИЙ ҚИСМ

1- Мавзу. Иқтисодий билимларнинг вужудга келиши ва шаклланиши

Эрампдан олдинги даврларда иқтисодий билимларнинг пайдо бўлиши. Қадимги Юнонистонда иқтисодий билимларни ривожланиши. Аристотель, Платон, Софокл, Ксенофод каби Юнон мутаффакирларининг иқтисодий билимларни ривожлантиришдаги ўрни.

Эрампнинг IX-XVI асрларида қадимги Шарқда иқтисодий билимларнинг ривожланиши. Буюк аждодларимиз Форобий, Беруний, Амир Темур, Мирзо Бобур, Алишер Навоий ва бошқаларнинг иқтисодий билимларни ривожлантиришдаги роли.

Европада уйғониш даври ва ўрта иқтисодий билимлари: меркантилизм, физиократизм ва классик иқтисодий назария.

2-Мавзу. Иқтисодиёт асослари фанининг вазифалари ва аҳамияти

Иқтисодиёт асослари фанининг жамият иқтисодий ходиса ва жараёнларини билиш вазифаси. Иқтисодиёт асослари ва бошқа иқтисодий фанлар. Унинг назарий ва методологик асос вазифаси. Иқтисодий сиёсатнинг илмий асосланиши. Иқтисод ва маънавият. Иқтисодий тарбия ва иқтисодий ватанпарварлик.

Иқтисодиёт асослари фани замонавий, янгича иқтисодий онгни, иқтисодий тафаккурни ривожлантириши. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иқтисодий фанларни ривожланиши. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда иқтисодий фанларнинг роли. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг иқтисодий фанлар ривожланишини рағбатлантиришга қўшган ҳиссаси.

3-Мавзу. Ижтимоий – иқтисодий эҳтиёжлар

Социал – иқтисодий эҳтиёжларнинг моҳияти. Эҳтиёжларнинг таркиби. Моддий ва маънавий эҳтиёжлар нисбати. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориш қонуни. Эҳтиёжларни қондириш даражаси ва воситалири. Эҳтиёжлар ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқадорлиги. Иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида ўзгариб боровчи эҳтиёжларни қондириш муаммоси. **Иқтисодий инқироз, унинг мазмун моҳияти, намоён бўлиш шакллари (тармоқлараро ва тармоқ ичида), келиб чиқиш сабаблари, унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга қаратилган давлат дастурлари. Ҳукуматимиз томонидан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ишлаб чиқилиши ва унинг молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишдаги роли, аҳамияти ва эришилган натижалари. Фан–техника тараққиёти асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш – эҳтиёжларни қондиришнинг омили эканлиги. Оқилона эҳтиёжлар туйғусини шакллантириш ва уларни қондиришнинг оптимал (мақбул) даражасини белгилаш масалалари.**

4-Мавзу. Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг омиллари

Ишлаб чиқариш жараёнини иқтисодий мазмуни. Моддий ва номоддий ишлаб чиқариш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Ишлаб чиқаришнинг икки бўлинмаси: ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўлинмалари. Улар ўртасидаги нисбат, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий омиллари. Ишлаб чиқариш самарадорлиги. Меҳнат унумдорлиги. Вақтни тежаш қонуни. **Ортиқча ишлаб чиқариш ва тақчил ишлаб чиқариш инқирозлари. Саноат инқирози, Аграр инқироз, Таркибий (структуравий) инқирозлар.**

5-Мавзу. Товар ишлаб чиқариш ва пул

Натурал ва товар ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ҳўжалик шакллари эканлиги, уларнинг фикрлари. Товар ишлаб чиқаришнинг юзага келиш ва ривожланиш сабаблари.

Товар ва унинг хусусиятлари. Товарнинг нафлиги ва айирбошланиши. Товар қийматининг миқдори.

Товарга сарфланган меҳнатнинг таркиби ва ўлчами. Меҳнатнинг индивидуал ва ижтимоий зарурий сарфи. Меҳнат унумдорлиги ва интенсивлигини товар қийматига таъсири. Товар-пул айирбошлаш тараққиётининг маҳсули. **Товар рақобатбардошлиги, товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш.**

Пулнинг асосий функциялари: қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғариш воситаси. Пул агрегати, унинг таркибий тузилиши. Пулнинг кадр-қиммати. Пулнинг айланиши, муомила учун зарур бўлган пул миқдори. Пул-кредит сиёсати. Тўлов қобилияти. Фонд биржалари, ипотека бозорлари, валюта бозорлари уларнинг амал қилиш тартиб-қоидалари. Жаҳон ҳўжалиги ва молиявий-иқтисодий тизим интеграциялашуви. Молиявий инқироз, уни бартараф этиш чора-тадбирлари. Валюта тушунчаси. Ўзбекистонда миллий валютанинг жорий этилиши: қиймат қонуни ва унинг вазифаси, ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги аҳамияти. Четдан молиявий ресурсларни жалб қилиниши ва уларни молиявий инқирозга таъсири.

6-Мавзу. Мулкчилик муносабатлари

Мулкчилик муносабатлари мазмуни, таркибий тузилиши. Мулк субъектлари ва объектлари. Мулкдорнинг манфаати ва масъулияти. Мулкни иқтисодий реализацияси жараёни, унинг усуллари, уни муқобил йўллари. Номинал ва ҳақиқий (реал) мулкдорлик.

Мулк турлари (типлари). Мулк шакллари хилма-хиллиги. Хусусий мулк, жамоа мулки ва давлат мулкчилиги. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг мақсади, асосий шакллари ва усуллари. Ўзбекистонда бу жараёнинг ўзига хослиги. Иқтисодий инқирозларни юзага келишини олдини олишда Ўзбекистон ҳукуматининг антимонопол сиёсатини аҳамияти (давлатнинг антимонопол тадбирлари). Иқтисодий инқироз даврида мулкчилик муносабатларини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада эркинлаштириш.

7-Мавзу. Хўжалик юритиш шакллари

Хўжалик юритиш шакллари-мулкни иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш воситаси эканлиги. Хўжалик юритиш шакллари: якка тартибдаги хўжалик юритиш, уй-оила хўжалиги, қўшма корхоналар, давлат хўжаликлари, фермер. Ўзбекистонда янги хўжалик шакллари ривожлантириши.

8-Мавзу. Ижтимоий–иқтисодий тизимлар ва уларнинг ўзгариши

Ижтимоий–иқтисодий тизим тушунчаси. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ижтимоий–иқтисодий муносабатлар. Моддий ва номоддий муносабатлар. Ижтимоий тараққиёт босқичларини ва уларнинг ўрин олишувлари. Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари. Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек модели. Бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили. Аралаш иқтисодиётнинг туб белгилари: мукамал меҳнатнинг чекланган ресурсга айланиши, тадбиркорлик имкониятининг кенгайиши, мулк билан меҳнатнинг кенгайиб бориши. Аралаш иқтисодиётни шакллантириш Ўзбекистоннинг келажакдаги вазифаси эканлиги.

9-Мавзу. Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик

Иқтисодий ўсиш тушунчаси. Иқтисодий ўсиш ва ижтимоий тараққиёт. Макроиқтисодий ва микроиқтисодий ўсиш. Иқтисодий ўсиш кўлами ва суръатлари, улар ўртасидаги алоқадорлик. Иқтисодий ўсишнинг микдорий ва сифат жиҳатлари. Иқтисодий ўсиш омилларининг мазмуни ва таркиби. Иқтисодий ўсиш меъёри ва чегараси. **Иқтисодиётнинг циклиги ва унинг фазалари, макроиқтисодий беқарорлик. Цикли тебранишлар, унинг сабаблари ва кўринишлари. Миллий бойлик, саноат маҳсулотлари, инвестиция ва бозор конъюнктураси тебранишлари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий ўсишга эришиш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутганлиги.** Меҳнат унумдорлигининг иқтисодий ўсишга таъсири. Ишлаб чиқариш таркиби ва табиий ресурсларининг иқтисодий ўсиш учун аҳамияти. Экстенсив ва интенсив иқтисодий ўсиш. Маҳсулотнинг ресурс сиғими, меҳнат сиғими, фонд (капитал сиғими, энергетик сиғими) сиғими. Иқтисодий ўсиш самарадорлиги ва уни ҳисоблаш усуллари.

Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик. Миллий бойлик тушунчаси. Миллий бойлик хусусиятлари. Миллий бойликнинг таркибий тузилиши ва асосий унсурлари. Миллий бойликнинг айланма ҳаракати (обороти), миллий бойлик ва иқтисодий потенциал. Иқтисодий потенциал тушунчаси. Иқтисодий потенциалдан самарали фойдаланиш. Ўзбекистоннинг миллий бойлиги ва уни ўсиши.

3. АМАЛИЙ (СЕМИНАР), ТАЖРИБА ДАРСЛАРИ ВА МУСТАҚИЛ ИШ УЧУН КЎРСАТМАЛАР.

3.1 Амалий семинар машғулотларнинг намунавий мавзулари

1. Олдинги даврларда иқтисодий билимларнинг пайдо бўлиши.
2. Моддий, социал-маънавий эҳтиёжлар ва меҳнат эҳтиёжи, иқтисодий эҳтиёжлар.
3. Ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий мазмуни.
4. Товар ишлаб чиқаришнинг юзага келиш ва ривожланиш сабаблари.

5. Товар рақобатбардошлиги, товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти.
6. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг мақсади, вазифаси, асосий шакллари ва усуллари.
7. Иқтисодий инқироз даврида мулкчилик муносабатларини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.
8. Аралаш иқтисодиётни шакллантириш Ўзбекистоннинг келажакдаги вазифаси.
9. Ўзбекистонда янги хўжалик шакллари ривожланиши.
10. Иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, Ўзбекистоннинг миллий бойлиги ва уни ўсиши.

3.2. Мустақил ишни ташкил этишни шакли ва мазмуни

Ушбу фанни яхши ўзлаштириш учун талабалар бозор иқтисодиётининг қонуниятларни мақсадга мувофиқ бўлади.

Статистик маълумотларга таянган ҳолда қайта ишлаш, улар асосида тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқишни ўрганиш мақсадида талабаларни етакчи тадқиқот фаолияти билан таништиришдир. Интернет ва шу каби бошқа манбалардан энг сўнгги иқтисодий янгиликларни ҳамда республикамиздаги ижтимоий ва иқтисодий шароитига оид хулосалар чиқариш асосида семинар дарсларга тайёрланиш, шунингдек, талабаларнинг рефератлар ёзиши кўзда тутилади.

4. УШБУ ФАН БЎЙИЧА КУРС ИШИ (ЛОЙИХАЛАРИ) КЎРСАТИЛМАГАН.

5. ЎҚУВ РЕЖАСИДА ФАНГА АЖРАТИЛГАН СОАТ МИҚДОРИ ВА ДАРС ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТАҚСИМОТИ

№	Фаннинг бўлимлари ва мавзулари	Умумий юклама, соат							
		Ҳаммаси	Дарслар тури бўйича соатлар тақсими (аудитория, юкламаси)						Мустақил иш
			Жами	Назарий (маъруза)	Амалий	Лаборатория	Семинар	Курс иши (лойиҳаси)	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	Иқтисодий билимларнинг вужудга келиши ва шаклланиш босқичлари.	6	4	2	2				2
2.	Иқтисодиёт асослари фани предмети, вазифаси ва	6	4	2	2				2

	аҳамияти								
3.	Ижтимоий -иқтисодий эҳтиёжлар	6	4	2	2				2
4.	Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг асосий омиллари	6	4	2	2				2
5.	Товар ишлаб чиқариш ва пул	6	4	2	2				2
6.	Мулкчилик муносабатлари	8	6	4	2				2
7.	Хўжалик юритиш шакллари	6	4	2	2				2
8.	Ижтимоий- иқтисодий тизимлар ва уларнинг ўзгариши	8	6	4	2				2
9.	Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик	4	4	2	2				
	ЖАМИ	56	40	22	18				16

6. ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

6.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси». -Т.: «Ўзбекистон», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида»ги қонуни. 1995 йил 21 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил 25 апрель.
4. «Ўзбекистон Республикаси корхоналар тўғрисида»ги қонун. -Т.: «Адолат», 1992.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил 25 декабрь.
6. «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 21 декабрь 1995 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни. – Тошкент: «Адолат», 1994.
8. Ўзбекистонда хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳақида қонун. -Т.: «Адолат», 1994.
9. «Ижара тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. -Т.: «Адолат», 1995.
10. Дехқон хўжаликлари, фермер хўжаликлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари. 1999 йил.

6.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялаш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозордаги сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»даги қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил 21 август
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Стандартлаштириш ва сертификациялаш тўғрисида»ги қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил 25 март.

6.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 5 апрелдаги Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 2005 йил 20 июнь.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 2007 йил 20 июль.

6.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

16. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т. “Ўзбекистон”, 1992.
17. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. 1-жилд, - Т.:, “Ўзбекистон”, 1996.
18. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, -Т.:, “Ўзбекистон”, 1996.
19. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, -Т.:, “Ўзбекистон, 1996.
20. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд, -Т. “Ўзбекистон”, 1996.
21. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд, -Т.:, “Ўзбекистон, 1997. 22.Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт. 6-жилд, -Т.:, “Ўзбекистон”, 1998.
22. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7- жилд, -Т.:, “Ўзбекистон”, 1999.
23. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - провард мақсадимиз. 8-жилд, -Т.:, “Ўзбекистон”, 2000.
24. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд, - Т.:, “Ўзбекистон”, 2001.
25. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд, -Т.:, “Ўзбекистон”, 2002.
26. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд, -Т.:, “Ўзбекистон”, 2002.
27. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд, -Т.:, “Ўзбекистон”, 2004.
28. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд, -Т.:, “Ўзбекистон”, 2005.
29. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлар - олий қадрият. 14-жилд, -Т.:, “Ўзбекистон”, 2006.
30. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд, -Т.:, “Ўзбекистон”, 2007.

31. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Туркистон” газетаси, 2008 йил 6 декабрь.
32. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. 1-жилд, -Т.: “Маънавият”, 2008.
33. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Туркистон” газетаси, 2009 йил 14 февраль.
34. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: “Ўзбекистон”, 2009. -56 б.
35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги “Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва 2010 йилги давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 1245 сон Қарори.
36. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 28 январь.
37. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Туркистон” газетаси, 2009 йил 14 февраль.
38. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 30 январь.
39. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: “Ўзбекистон”, 2010. -80 б.

6.5.Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

40. А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев. Иқтисодиёт назарияси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995.
41. Ш.Шодмонов, Т.Жўраев. Иқтисодиёт назарияси. Маъруза матнлар тўплами. -Т.: 2004.
42. А.Ўлмасов. Иқтисодиёт асослари. –Тошкент:, 1997.
43. А.Қодиров ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: 1997.

44. А.Кадыфов и др. Экономическая теория. –Ташкент:, 1999.
45. В.Матвеев. Основы экономического знаний. -Т.:, «Шарк»,1998.
46. Г.П.Журавлева. Общая экономическая теория. -М.:, Медия, 1995.
47. О.Ю.Мамедова. Современная экономика. 1996.
48. З.М. Бобур. Бобурнома. –Тошкент:, 1990.
49. А.Раззаков ва бошқалар. Иқтисодий таълимотлар тарихи. –Тошкент:, 1992.
50. М.Расулов. Бозор иқтисодиёти асослари. –Тошкент:, 1999.
51. С.Ғуломов. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.:, 1998.
52. З.Я.Худойбердиев, Т.Хожитдинов. Иқтисодий билим асослари. -Т.:, “Ўқитувчи”, 2000.
53. З.Я.Худойбердиев, Т.Хожитдинов. Иқтисодиёт асослари. -Т.:, 2003.
54. Т.Хожитдинов, Ё. Ортиқов. Молия-кредит тизимида банклар ва бозор иқтисодиёти асослари». 1996.
55. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ва “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” маърузаларини Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўрганиш бўйича ўқув-услугий мажмуа: ЎзР О ва ЎМТВ, ЎМКХТМ; тузувчилар: О.К. Абдурахманов, У.В. Ғафуров, К.З. Хомитов, Р.Н. Турсунов; ЎзР О ва ЎМТВ, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази. -Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2010. – 320 б.

6.6. Газета ва журналлар.

56. ”Бозор пул ва кредит” журнали. 2000 йил 1 -сони, 2001 йил 6 -8 сонлари, 2002 йил 8 -12 - сонлари.
57. “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журнали. 2000 йил 3 -сони, 2001 йил 6-сони, 2002 йил 12-сони.
58. “Халқ сўзи” газетаси, 2 февраль 2000 йил.
59. Маркетинг журнали.

6.7.Кўшимча адабиётлар

60. В.И.Ломанин. Мировая экономика. -М.:, 2004.
61. А.Киреев. Международная экономика. -М.:, 2003.
62. Г.Г.Назарова ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиёти. -Т.:, 2005.
63. Ш.Мирзиёев. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш - давр талаби. -Т.:, 2004.
64. А.Абдувоҳидов. Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш асослари. -Т.:, 2004.
65. Н.Жумаев. Молиянинг долзарб муаммолари. -Т.:, 2003.
66. У.Иноятов, Г.Аҳмаджонова. Бюджет ва бюджет тизими. -Т.:, 2006.
67. Интернет сайтлари:
 - www.banking.com-минтақавий банклар, ассоциациялар ва нашриётлар бўйича банк саноати ресурслари директорлиги.
 - www.banking.com-Америка банклари ассоциацияси.